

**Ўрмон хўжалиги агентлигида коррупцияга қарши курашиш
тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида
2023 йил учун
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Агентликнинг коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот¹**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4960-сон қарорига асосан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратида Коррупцияга қарши комплаенс-назорат хизмати ташкил этилган.

Мазкур қарорни ижросини таъминлаш юзасидан 2021 йил 25 январь куни Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 5-сонли буйруғи қабул қилинган.

Ўрмон хўжаликлари тизим ташкилотларининг фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида, 2022 йил 14 январь куни қўмитанинг “Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида коррупциявий **хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш** бўйича чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги **9-сонли буйруғи** қабул қилинган. Мазкур буйруқ ижроси бўйича қўмита марказий аппарати ва тизим ташкилотлари бўйича коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

2022 йил 31 январь куни қўмитанинг **18-сонли буйруғи** билан “Ходимларнинг бизнес меҳмондўстлик белгилари ва совғалар алмашиш **Тартиби**”, “Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича **Тартиб**”, “Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш **Тартиби**” тасдиқланган.

2022 йил 18-май куни Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Коррупцияга қарши комплаенс назорат бўлими ва ҳудудий ички назорат тузилмалари тўғрисидаги **янги низомни** тасдиқлаш тўғрисида **91-сонли буйруғи** қабул қилинган.

2022 йил 14-сентябрь куни Қўмитанинг Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни **рағбатлантириш тўғрисидаги 163-сонли буйруғи** қабул қилинган.

2022 йил 28-сентябрь куни Қўмитанинг **Харид комиссияси тўғрисида** низомни тасдиқлаш тўғрисидаги **168-сонли буйруғи** қабул қилинган.

¹Ушбу бўлимда ва кейинги ўринларда ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича қуйидагиларни кўрсатиш керак:

- Бирлашган кўринишда марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисобот даври учун маълумотлар. Агар зарурият бўлса, алоҳида бўлинмалар ва улар бўйича маълумотларни кўрсатиш;
- Зарурият туғилганда аввалги даврлар кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлил ўтказиш, кониқарли натижаларга эришганлик/эришмаганлик сабабларини кўрсатиш лозим.

2022 йил 30-сентябрь куни Қўмитада давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш бўйича **176-сонли буйруғи** қабул қилинган.

2022 йил 31-октябрь куни Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятида **коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Тартибини** тасдиқлаш тўғрисидаги **191-сонли янги буйруғи** қабул қилинган (*Қўмитанинг 29.12.2021 йилдаги 219-сонли буйруғининг 5-иловаси ўз кучини йўқотди*).

-Шунингдек, 2023 йилда агентликнинг ҳудудий ташкилотларининг ходимларида мурожаатлар билан ишлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бўйича ўқув-семинарлари ташкил этиш режа-графикига асосан, **Комплаенс-назорат хизмати** томонидан бошқа масъул бўлимлар билан ҳамкорликда 2023 йил 30 ноябрь куни **Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш марказида**, 13 июнь куни Бухоро вилоятининг **Қоровулбозор давлат ўрмон хўжалигида**, 15 июнь куни **Навбахор давлат ўрмон хўжалигида**, 5 июль куни **Боботоғ давлат ўрмон хўжалигида** ўқув семинарлари ва профилактик тадбирлар ўтказилди.

Ўтказилган ўқув-семинарлар тўғрисидаги маълумотлар кўмитанинг “ugmon.uz” телеграм каналида ёритиб борилди.

- 2023 йил 29 ноябрь куни Агентлик **марказий аппарати ва барча тизим ташкилотлари** ходимлари иштирокида, онлайн - “Зум” тарзида, “9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган Аксилкоррупция ойлиги доирасида агентлик фаолиятида очикликни таъминлаш, коррупцион хатарларни олдини олиш ва бартараф этиш, соҳада замонавий коррупцияга қарши курашиш тизимларини жорий этиш тўғрисида тадбир ўтказилди. Тадбирда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими А.Юнусов, Экология вазири маслаҳатчиси О.Абдуманнобовлар ўзларининг маърузалари билан иштирок этишди.

Тадбир тўғрисидаги маълумот “ugmon.uz” телеграм каналида ёритилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ташкил этилган қуйидаги тадбирлар, яъни: 2023 йилнинг 12 май куни ўтказилган “Коррупцияга қарши кураш ишларидаги тизимли камчиликларни бартараф этиш, очикликни таъминлаш йўналишидаги фаолиятни яхшилаш” мавзусидаги **семинарда**;

2023 йилнинг 3-4 август кунлари “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияни олдини олиш ва “Комплаенс-назорат” тизимини самарали жорий этиш” мавзусидаги **семинар-тренингда**;

2023 йилнинг 3-ноябрь куни ўтказилган “**3-Тошкент Аксилкоррупция Форуми**”да Ўрмон хўжалиги агентлигининг масъул ходимлари иштирок этишди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12-январдаги ПҚ-81 сонли “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорига мувофиқ, Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар натижалари “E-anticor.uz” платформасига киритилиб, баҳоланиши натижасида республика бўйича 62 давлат ташкилотлари орасида 80 балл билан 13-ўрин эгалланди.

- Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240 сонли “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талабларига мувофиқ агентлик ва тизим ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тадбирлари ўтказилди. Баҳолаш натижалари “E-anticor.uz” платформасига юкланди.

Ўрмон хўжалиги агентлиги ва тизим ташкилотлари ходимлари, шу жумладан “комплаенс-назорат” тизимига масъул ходимлардан **12 нафари** 2023 йил март ойида **Бош прокуратура Академияси** томонидан коррупцияга қарши кураш йўналишида ташкил этилган масофавий **ўқув курсларида ўқитилди** (шулардан 4 нафари сертификатга эга бўлишди).

Шу билан бирга, агентлик тизимидаги республика ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги ўрмон хўжаликларида 2023 йилда ўрмон хўжалиги фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупцияни олдини олиш мавзулари бўйича ўтказилган семинарлар, ўқув тадбирлари сони жам **134 тани** ташкил этади. Ўтказилган тадбирлар ҳақидаги маълумотлар агентлик веб-сайтларида ёритиб борилди.

(Агентлик томонидан коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг амалга оширилгани тўғрисидаги қисқа маълумот, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширган бўлинмалар сонини кўрсатиш зарур.

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширмаган бўлинмалар кўрсатилади, шунингдек, ҳисоботга иловада уларнинг номи, амалга оширилмаган тадбирлар ва қисқача-асосий сабабларини алоҳида кўрсатиш лозим.)

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 114-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2023 йил 13-июль куни Ўрмон хўжалиги агентлигининг “Монополияга қарши комплаенс тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги **104-сонли буйруғи** қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

(Коррупцияга қарши курашиш бўйича соҳаларни тартибга солувчи ва ҳисобот даврида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида татбиқ этилган коррупцияга қарши курашиш соҳасига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар (сиёсатлар, регламентлар, стандартлар, тартиблар, йўриқномалар ва шу қабила)ни кўрсатиш лозим.)

III. Хавф-хатарларни баҳолаш²

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йил 14 январь куни “Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки

² Бўлим фақат ҳар йиллик ҳисобот даврида тўлдирилади. Мазкур бўлимда ташкилот тизимида коррупциявий хавф-хатарни баҳолашни ўтказиш тартибига мувофиқ амалга оширилган хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича таҳлилий ахборот акс эттирилади.

баҳолаш бўйича чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги 9-сонли буйруғи, 2022 йил 31-октябрь куни кўмита фаолиятида **коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Тартибини** тасдиқлаш тўғрисидаги 191-сонли янги буйруғи қабул қилинган.

Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240 сонли “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талабларига мувофиқ агентлик ва тизим ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тадбирлари ўтказилиб, баҳолаш натижалари “E-anticor.uz” платформасига юкланган.

(Кўмита томонидан хавф-хатарларни баҳолаш амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборот, шунингдан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширган ва ўзларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини янгиланган марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатиш керак;

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни амалга оширмаган ҳудудий ва таркибий бўлинмалар сони вилоятлар, ташкилотнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади, шунингдек ҳисоботга иловада уларнинг номи ва кўрсаткичларни бажарилмаганлиги сабаблари қисқача кўрсатилади;

Баҳолаш жараёнида янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади. Шунингдек, ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш бўйича таклиф этилган ва амалга оширилган тадбирлар қайд этилади;

Коррупциявий хавф-хатарларнинг тоифалар бўйича нисбати (юқори, ўрта, паст) ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида кўрсатилади;

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Кўмита учун юқори бўлган қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар, шунингдек, кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш учун таклиф этилаётган тадбирларни кўрсатиш лозим (мавжуд бўлган тақдирда).

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар.

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш.

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг 2021 йил 4 октябрдаги 180-сонли буйруғи билан қабул қилинган Низомга кўра, агентлик марказий аппарати ҳамда тизим ташкилотларида манфаатлар тўқнашуви юзасидан тегишли декларацияларни тўлдириш ишлари ташкил этилган.

Агентлик маказий аппарати ҳамда ҳудудий ташкилотлар кадрлар билан ишлаш бўйича бўйича масъул ходимларнинг берган маълумотларига кўра, 2023 йилда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмаган.

Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йил 21 июндаги мурожаатига асосан, тизимдаги Тошкент туман ўрмон хўжалиги техникумида 2023 йилда амалга оширилган **507.800.000 сўмлик давлат хариди** бўйича ўтказилган танловнинг қонунийлигини, мазкур ҳолатда танлов комиссияси томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан идоравий **хизмат текшируви** ўтказилган. Текширув натижасида “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилганлиги аниқланиб, тўпланган материаллар **Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юборилган.**

- Сурхондарё вилоят прокуратурасининг 2023 йил 13-февралдаги мурожаатига асосан, тизимдаги “Ўрмонқурилиш” ДУК томонидан 2022 йилда Сурхондарё вилоятидаги ўрмон хўжалиқларида 3 дона суғориш қудуқларини

ўрнатиш билан боғлиқ жами **795,5 млн сўмлик** қонун бузилишлар натижасида қўзғатилган жиноят иши доирасида **хизмат текшируви ўтказилган**. **Хизмат текшируви материаллари прокуратурага юборилган**.

- Тошкент табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасининг 2023 йил 14-февралдаги такдимномасига асосан, Бўстонлиқ туманида яшовчи фуқароларнинг агентлик тизимидаги Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ходимларининг ихаракатларидан норози бўлиб ёзган мурожаати жойида ўрганилган. Ўрганиш материаллари **прокуратурага юборилган**.

Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан 2023 йил июль ойида тизимдаги Бекобод давлат ўрмон хўжалигида буюртмачи “Ўрмонқурилиш” ДУК ва бош пудратчи “Жасурбек Асадбек Бунёдкор” МЧЖ томонидан 2021-2022 йилларда сув чиқариш насосларини ўрнатиш ҳолатлари ўрганилиб, аниқланган **263,1 млн сўмлик** қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тўпланган ҳужжатлар қонуний кўриб чиқиш учун **Ўзбекистон Республикаси ДХХга юборилган**.

Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан 2023 йил апрель ойида Самарқанд вилоятидаги ўрмон хўжаликларида буюртмачи “Ўрмонқурилиш” ДУК ва бош пудратчи “SARVAR UNIVERSAL TA’MIR QURILISH” МЧЖ томонидан 2022 йилда 4 та сув чиқариш насосларини ўрнатиш ҳолатлари ўрганилиб, аниқланган **1.457,4 млн сўмлик** қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тўпланган ҳужжатлар қонуний кўриб чиқиш учун **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилган**.

Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан тизимдаги Навбахор давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасининг бир гуруҳ ишчи-ходимларининг ёзган мурожаати ҳамда Навбахор туман Ҳокимининг 2023 йилнинг 31 майдаги 01-07-39-сонли хати юзасидан жойида ўрганиш ўтказилган, натижада **Навбахор давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси директори А.Хожиевнинг** қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги бўйича материаллар 2023 йил 4-июль куни **Навоий туман прокурорига юборилган**.

- Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан фуқаро Б.Холмўминов билан Боботоғ давлат ўрмон хўжалиги ўртасида 2020 йил 24-февралда тузилган уч томонлама (Қўмита, фуқаро ва хўжалик) битимнинг қалбакилаштирилганлиги юзасидан тўпланган ҳужжатлар 2023 йил 31-май куни **Сурхондарё вилоят прокуратурасига юборилган**.

(Манфаатлар тўқнашуви декларацияланган ва тартибга солинган ҳолатлар сони, шу жумладан, ишга қабул қилиш, ҳар йиллик декларациялаш жараёнида³ (мавжуд бўлган тақдирда), марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади:

Ташкилотда манфаатлар тўқнашувини марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида манфаатлар тўқнашувининг йиллик декларацияси тартиб-таомилларидан ўтган ходимларнинг умумий ходимлар сонига фоизлардаги нисбати, шунингдек, декларацияланган ва тартибга солинган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари кайд этилади:

Ташкилот бўйича режалаштирилган манфаатлар тўқнашувининг ҳар йиллик декларацияланадиган манфаатлар тўқнашувига нисбатан кўрсаткичлари бажарилмаган ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида таҳлилий маълумотларни келтириш керак (масалан, манфаатлар тўқнашувини барча раҳбарлар декларациялаши лозим, амалда эса фақат 50% гина раҳбар буни бажарган):⁴

Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Қўмита тизимида аниқланган манфаатлар тўқнашуви ва қабул қилинган чоралар бўйича, шу жумладан, умумий сони ва тонфалар кесимида (масалан, харид процедураларидаги, иш бўйича бевосита бўйсунми натижасида ва шу кабиларда) таҳлилий маълумотларни келтириш лозим.)

Коррупцияга қарши қоидаларни Агентлик шартномаларига киритиш

³ Манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ҳисобот даврида бажарилган бўлсагина ахборот тўлдирилади.

⁴ Ахборот фақат йиллик ҳисоботда тўлдирилади.

Агентлик ва тизим ташкилотларида мавжуд хўжалик шартномалари танлов асосида таҳлил қилинганда, уларда коррупцияга қарши шартлар киритилганлиги маълум бўлди. Яъни, мол етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи контрагентлар томонидан Агентликка тақдим этилган шартномаларда ушбу шартлар киритилган бўлиб, бундан кейинги тузиладиган хўжалик шартномаларига ҳам агентлик томонидан коррупцияга қарши қоидаларни киритиш юзасидан тегишли бошқармаларга Раҳбариятнинг кўрсатмалари берилди.

(Коррупцияга қарши қоидаларни Агентликнинг хўжалик шартномаларига (шартномаларнинг фойзли нисбати) киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимидаги контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотларни келтириш, контрагентларнинг коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритишни рад этиш сабабларини кўрсатиш.)

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Агентлик тизимида контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши сабабли шартномаларни бекор қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни кўрсатиш.)

Контрагентларни текшириш

Ҳисобот даврида Агентлик марказий аппарати томонидан **47 та** контрагентлар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича текширувлар ўтказилган ва ижобий хулоса қилинган.

Агентлик марказий аппарати томонидан ўтказилган тендер натижалари бўйича **3 та** контрагентлар билан тузилган шартномалар ўрганиб чиқилган ва уларда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланмаган.

(Ҳисобот даврида контрагентлар бўйича ўтказилган текширувлар сони, ижобий ва салбий хулосаларнинг фойзалардаги нисбати марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади.)

Ишга номзодларни текшириш

Агентлик марказий аппаратига ҳисобот даврида штатлар қисқартирилганлиги сабабли номзодлар ишга қабул қилинмаган.

Агентликнинг тизимида жами **196 нафар номзодлар** текширилиб ишга қабул қилинган:

(Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида Агентлик тизимида ишга кириш учун номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони кўрсатилади.)

V. Таълим ва коммуникация

Ўрмон хўжалиги агентлиги ва унинг тизим ташкилотларида Коррупцияга қарши комплаенс назорат бўлимнинг 2023 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ, ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қошидаги **Академия** томонидан “Коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали идоравий чора-тадбирлар ташкил этилишини таъминлаш” мавзусида малака ошириш ўқув курси ташкил этилган.

Жорий йил март ойида марказий аппарат ва тизим ташкилотларининг **12 нафар** раҳбар ҳамда масъул ходимлари 10 кунлик мазкур ўқув курсида иштирок этиб, ўзларининг билимларини оширдилар, ўқув курсида муваффақиятли иштирок этганлар **сертификат** билан тақдирланган.

Ҳозирги вақтда кўмита ва тизим ташкилотларининг масъул ходимларини мазкур ўқув курсида ўқитиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, 2023 йилда агентликнинг ҳудудий ташкилотларининг ходимларида мурожаатлар билан ишлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бўйича ўқув-семинарлари ташкил этиш режа-графикига асосан, Комплаенс-назорат хизмати томонидан бошқа масъул бўлимлар билан ҳамкорликда 2023 йил 30 ноябрь куни **Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази**да, 13 июнь куни Бухоро вилоятининг **Қоровулбозор давлат ўрмон хўжалиги**да, 15 июнь куни **Навбахор давлат ўрмон хўжалиги**да, 5 июль куни **Боботоғ давлат ўрмон хўжалиги**да ўқув семинарлари ва профилактик тадбирлар ўтказилди.

Ўтказилган ўқув-семинарлар тўғрисидаги маълумотлар кўмитанинг “ugmon.uz” телеграм каналида ёритиб борилди.

- 2023 йил 29 ноябрь куни Агентлик **марказий аппарати ва барча тизим ташкилотлари** ходимлари иштирокида, онлайн - “Зум” тарзида, “9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган Аксилкоррупция ойлиги доирасида агентлик фаолиятида очикликни таъминлаш, коррупцион хатарларни олдини олиш ва бартараф этиш, соҳада замонавий коррупцияга қарши курашиш тизимларини жорий этиш тўғрисида тадбир ўтказилди. Тадбирда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги масъул ходими А.Юнусов, Экология вазири маслаҳатчиси О.Абдуманнобовлар ўзларининг маърузалари билан иштирок этишди.

Тадбир тўғрисидаги маълумот “ugmon.uz” телеграм каналида ёритилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ташкил этилган қуйидаги тадбирлар, яъни: 2023 йилнинг 12 май куни ўтказилган “Коррупцияга қарши кураш ишларидаги тизимли камчиликларни бартараф этиш, очикликни таъминлаш йўналишидаги фаолиятни яхшилаш” мавзусидаги **семинар**да;

2023 йилнинг 3-4 август кунлари “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияни олдини олиш ва “Комплаенс-назорат” тизимини самарали жорий этиш” мавзусидаги **семинар-тренинг**да;

2023 йилнинг 3-ноябрь куни ўтказилган “**3-Тошкент Аксилкоррупция Форуми**”да Ўрмон хўжалиги агентлигининг масъул ходимлари иштирок этишди.

- 2023 йил 25-май куни агентлик **марказий аппарати**да барча раҳбар-ҳодимлар иштирокида коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган профилактик ишларни жадаллаштириш мавзусида, шунингдек, Хоразм вилоят прокуратурасининг 2023 йил 30-апрелдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги 21/12-22-сон такдимномасини кўриб чиқиш юзасидан йиғилиш ўтказилди. Йиғилиш баёни барча тизим ташкилотларига юборилди.

Булардан ташқари, 2023 йил ўқув режасига мувофиқ, **Агентлик тизимидаги барча ташкилот ва хўжаликларда** коррупцияга қарши курашиш йўналишида ҳар ойда, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда, ўқув тадбирларини ўтказилиши ташкил этилган. Бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида комплаенс-назорат хизматига маълумот такдим этиб борилмоқда.

(Агентликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишнинг натижаларини марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида: ўқитилган ходимларнинг фойдаги нисбати, таълим шакли (бевосита/онлайн) кўрсатилади;

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Агентлик тизими бўйича ўқитиш даражаси паст бўлган коррупцияга қарши кўникмаларга оид ахборот кўрсатилади (режалаштирилган кўрсаткичларга таққосланган ҳолда);

Агентликда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сонини ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида (масалан, тарқатмалар, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровномалар ўтказиш) кўрсатилади;

Бўлимда шунингдек, тизимда ўтказилган кенг қўламли алоҳида тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин.)

VI. Коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар **тўғрисидаги хабарлар**

Ҳисобот даврида Ўрмон хўжалиги агентлигига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг **103 таси**да мазмунан коррупция фактларига доир маълумотлар кўрсатилган.

Ушбу мурожаатларни вилоятлар кесимида куйидаги кўринишда ифодаланади:

Сурхондарё вилояти бўйича – **45та** (43,6%), Қашқадарё вилояти – **16та** (15,5%), Фарғона вилояти – **16та** (15,5%), Наманган ва Навоий вилоятлари – **6тадан** (5,8%), Самарқанд вилояти – **3та** (2,9%), Жиззах, Тошкент, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида - **2тадан** (1,9%) ҳамда Хоразм вилоятида **1та** (0,9%).

Ушбу мурожаатларни келиб тушган алоқа каналлари бўйича тақсимоли куйидагича: - **47 таси** ҳукумат виртула қабулхонасидан, **35 таси** Экология вазирлигидан, **5 таси** почтадан, **3 таси** электрон почтадан, **3 таси** телеграм бот орқали, **3 таси** ишонч телефонлари ва **2 таси** Адлия вазирлиги орқали келган бўлса, **5 таси** агентлик масъул ходими томонидан қабул қилинган.

Мазкур мурожаатларнинг **10 таси** “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа ташкилотларга юборилган; **1таси** ушбу Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ тегишли хулоса бериш орқали ижобий ҳал этилган, **3 таси** 30-моддага мувофиқ тугатилган; **80 та** мурожаат муаллифларига ҳуқуқий ва тегишли тушунтириш берилган, **9 таси** мурожаатчиларнинг фойдасига ижобий ҳал қилинган.

(Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатилади;

Мансаб вазифалари ва тартиб-таомиллар кесимида олинган таҳлилий маълумотлар (масалан, харидлар жараёнида, кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда) келтирилади;

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар қондабузарликлар кесимида келтирилади (масалан, коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви, келишув тартиб-таомилларини процедураларини бузиш ва бошқалар);

Олинган хабарлар бўйича таҳлилий маълумотлар алоқа каналлари кесимида келтирилади (масалан, ишонч телефони, бевосита хабар бериш ва бошқалар).

VII. Мониторинг ва назорат⁵

Комплаенс назорат хизмати томонидан агентликнинг бошқа масъул ходимлари билан бирга фуқароларнинг мурожаатлари агентлик Раҳбарияти топшириқлари ҳамда тақдим этилган материаллар асосида ўрганишлар ўтказилган.

⁵ Ташкилотда ҳисобот даврида Коррупцияга қарши процедураларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилиш методикасига мувофиқ ўтказилган тадбирлар якуналари бўйича умумий таҳлилий ахборот акс эттирилади.

-Жумладан, агентликнинг **Қоровулбозор давлат ўрмон хўжалигининг** бир гуруҳ ишчи-ходимларининг мурожаати агентлик ишчи гуруҳи томонидан 2023 йил 12-14-июнь кунлари жойига чиқиб ўрганилди. Натижада мазкур ўрмон хўжалиги директори томонидан бир қанча ҳолатларда жиддий хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, ишчи гуруҳ томонидан агентлик раҳбарига билдиришнома киритилди ва хўжалик директори ўз вазифасидан озод этилди.

-Шунингдек, агентликнинг Навоий вилоятидаги **Хатирчи, Нурота ва Навбахор давлат ўрмон хўжаликларига** 2022 йилда ихота дарахтзорларини барпо қилиниши ҳолатлари мутахассислар томонидан жойида ўрганиб чиқилганда бир қатор жиддий хато-камчиликлар аниқланган. Мазкур ўрганиш материаллари юзасидан тайёрланган таҳлилий маълумотнома тайёрланиб, камчилиаларга йўл қўйган хўжаликлар раҳбарларига нисбатан интизомий чора кўриш ҳақида 2023 йил 9-июн куни раҳбариятга тақдим этилган ва шунга кўра, агентлик раҳбари томонидан юқоридаги хўжалик директорларига нисбатан интизомий чора кўриш тўғрисида кадрлар бўлимига кўрсатма берилган.

-Шунингдек, Бўстонлик туманида яшовчи фуқаро Х.Раҳимованинг мурожаати агентлик ишчи гуруҳи томонидан 2023 йил 12-июль куни жойига чиқиб мурожаатчи ҳамда **Бурчмулла давлат ўрмон хўжалиги** раҳбарлари иштирокида ўрганилди. Ўрганиш натижаси бўйича мурожаатчига тушунтириш берилди.

-Шунингдек, Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан тизимдаги Навбахор давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасининг бир гуруҳ ишчи-ходимларининг ёзган мурожаати ҳамда Навбахор туман Ҳокимининг 2023 йилнинг 31 майдаги 01-07-39-сонли хати юзасидан жойида ўрганиш ўтказилган, натижада **Навбахор давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси директори А.Хожиевнинг** қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги бўйича материаллар 2023 йил 4-июль куни **Навоий туман прокурорига юборилган.**

(Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида ҳисобот даврида Қўмита тизими томонидан мавжуд коррупцияга қарши талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомилларнинг бажарилгани тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар келтирилади, шу жумладан, текширувлар ўтказилган тизим ташкилотлари сони, шунингдек, текширув ўтказилган вазифалар ва тартиб-таомилларининг даврийлиги ва характери тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар (режадаги, режадан ташқари) кўрсатилади; Ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида текширувлар ўтказилмаган бўлинмалар сони алоҳида кўрсатилади, иловада уларнинг номи ҳамда текширувлар ўтказилмаганлигининг асосий сабаблари қисқача қайд этилади;)

Ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги умумий ахборот кўрсатилади, шу жумладан, ижобий ва салбий ҳулосаларнинг фойзалардаги нисбати қайд этилади. Қоидабузарликлар мавжуд бўлса, мазкур ҳисоботнинг VIII-бўлимига ҳавола берилди.)

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва таъсир чоралари

Бугунги кунда Ҳукуматимиз томонидан коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган сиёсат, Агентлик томонидан бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳамда Раҳбариятнинг кўрсатма ва топшириқларига қарамасдан жойларда ўрмон хўжаликлари ходимлари томонидан ўз мансабини суиистеъмол қилиш, давлат мулкани талон-торож қилиш ҳамда коррупцион ҳолатлар кўплаб учраб турибди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида қуйида кўрсатилган хўжаликларда шу каби қонун бузилишлари содир этилган:

-Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2023 йил 21-июндаги мурожаатига асосан, тизимдаги Тошкент туман ўрмон хўжалиги техникумида 2023 йилда амалга оширилган **507,8 млн сўмлик давлат хариди бўйича ўтказилган танловнинг қонунийлигини, мазкур ҳолатда танлов комиссияси томонидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан идоравий хизмат текшируви ўтказилган. Натижада “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари бузилганлиги аниқланиб, тўпланган материаллар **Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юборилган.****

-Сурхондарё вилоят прокуратурасининг 2023 йил 13-февралдаги мурожаатига асосан, тизимдаги “Ўрмонқурилиш” ДУК томонидан 2022 йилда Сурхондарё вилоятидаги ўрмон хўжаликларида 3 дона суғориш кудукларини ўрнатиш билан боғлиқ жами **795,5 млн сўмлик қонун бузилишлар натижасида кўзғатилган жиноят иши доирасида хизмат текшируви ўтказилган. Хизмат текшируви материаллари прокуратурага юборилган.**

-Тошкент табиати муҳофаза қилиш прокуратурасининг 2023 йил 14-февралдаги тақдимномасига асосан, Бўстонлик туманида яшовчи фуқароларнинг агентлик тизимидаги Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ходимларининг ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган мурожаати жойида ўрганилган. Ўрганиш материаллари **прокуратурага юборилган.**

-Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан 2023 йил июль ойида тизимдаги Бекобод давлат ўрмон хўжалигида буюртмачи “Ўрмонқурилиш” ДУК ва бош пудратчи “Жасурбек Асадбек Бунёдкор” МЧЖ томонидан 2021-2022 йилларда сув чиқариш насосларини ўрнатиш ҳолатлари ўрганилиб, аниқланган **263,1 млн сўмлик қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тўпланган ҳужжатлар қонуний кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ДХХга юборилган.**

-Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан 2023 йил апрель ойида Самарқанд вилоятидаги ўрмон хўжаликларида буюртмачи “Ўрмонқурилиш” ДУК ва бош пудратчи “SARVAR UNIVERSAL TA’MIR QURILISH” МЧЖ томонидан 2022 йилда 4 та сув чиқариш насосларини ўрнатиш ҳолатлари ўрганилиб, аниқланган **1.457,4 млн сўмлик қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тўпланган ҳужжатлар қонуний кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилган.**

-Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан тизимдаги Навбахор давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасининг бир гуруҳ ишчи-ходимларининг ёзган мурожаати ҳамда Навбахор туман Ҳокимининг 2023 йилнинг 31-майдаги 01-07-39-сонли хати юзасидан жойида ўрганиш ўтказилган. Натижада **Навбахор давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси директори А.Хожиевнинг қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги бўйича материаллар 2023 йил 4-июль куни Навоий туман прокурорига юборилган.**

-Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан фуқаро Б.Холмўминов билан Боботоғ давлат ўрмон хўжалиги ўртасида 2020 йил 24-февралда тузилган уч томонлама (*Қўмита, фуқаро ва хўжалик*) битимнинг қалбакилаштирилганлиги юзасидан тўпланган ҳужжатлар 2023 йил 31-май куни **Сурхондарё вилоят прокуратурасига юборилган.**

Шунингдек, Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимида 2023 йилда рўйхатга олинган жами **маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони 622** тани ташкил этади. Шундан, мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг 602 таси

эркаклар, 20 тасини аёллар ташкил этади. Хукуқбузарликларнинг асосий қисмини, яъни **197 тасини МЖТКнинг 77-моддаси 1-қисми** (*Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш*), **186 тасини 79-моддаси 1-қисми** (*Дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш*), **127 тасини 77-моддаси 3-қисми** (*Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузиш*)да содир этилган хукуқбузарликлар ташкил этади.

Шунингдек, Ўрмон хўжалиги агентлигининг марказий аппарати ва тизим ташкилотларида 2023 йил давомида коррупцияга қарши курашиш йўналишида ўтказилган **тарғибот тадбирлари сони жами 134 тани** ташкил этади.

(Агентликда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги талабларнинг бузилганлиги тўғрисида марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида таҳлилий маълумотлар кўрсатилади, шۇ жумладан:

қоидабузарликларнинг умумий сони;

қоидабузарликларнинг қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборот манбалари бўйича тузилмаси (“ишонч телефони”, бевосита хабар бериш, мониторинг ва назорат натижалари ва бошқалар);

Агентлик ички ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ва тартиб-таомиллар бўйича (харидлар, кадрларга оид масалалар ва б.) қоидабузарликлар тузилмаси;

Агентликда қабул қилинган таъсир чоралари тўғрисида таҳлилий маълумотларни ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида кўрсатиш, шۇ жумладан:

ўтказилган умумий тадбирлар сони ва аниқланган барча қоидабузарликлар бўйича таъсир чоралари кўрилганлиги ёки кўрилмаганлиги;

таъсир чораларининг турлари бўйича таҳлилий маълумотлар (айбдорларни жавобгарликка тортиш, шۇ жумладан, жавобгарлик турлари кесимида: ташкilot тизими жараён ва ички ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва бошқалар), шۇ жумладан, зарур бўлган ҳолда қоидабузарликка йўл қўймаслик бўйича қандай тадбирларни татбиқ этиш таклиф этилмоқда ва ҳисобот даврида қандай тадбирлар татбиқ этилганлиги кўрсатилади.)

IX. Хулосалар

Ўрмон хўжалиги агентлиги ва тизим ташкилотларида 2021 ва 2022 йилларда коррупцияга қарши курашиш борасидаги барча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Жумладан, соҳага оид жами 14 та низом ва тартиблар ишлаб чиқилди, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш жорий этилганлиги муносабати билан, 5 та йўналиш бўйича агентликда чора-тадбир ишлаб чиқилиб, ижросини таъминлаш юзасидан масъул бўлинмалар белгиланган.

Шунингдек, Ўрмон хўжалиги агентлигининг марказий аппаратидан ташқари, ҳудудий бошқармаларида ҳам коррупцияга қарши комплекслек назоратининг бир нафардан штатлари жорий этилиб, 2022 йил давомида масъул ходимлар иш фаолиятларини олиб боришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21-декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сонли Фармони қабул қилингандан сўнг, Ўрмон хўжалиги агентлигида самарали фаолият кўрсатиб келган “Комплемент назорат” хизмати ва унинг ҳудудий тузилмаларининг штат бирликлари қисқартирилган.

(Агентлик ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида коррупцияга қарши курашиш чораларини амалга оширишнинг асосий натижалари кўрсатилади, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатига умумий баҳо берилади. Заруриятга кўра аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таққослама таҳлил ўтказилади, қониқарли натижаларга эришганлик ёки эришмаганлик сабаблари қайд этилади.)

Х. Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш
бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси


Ўрмон хўжалиги агентлигида коррупцияга қарши “Комплаенс назорат” хизмати фаолиятини қайта ташкил этиш тўғрисида Агентлик томонидан 2023 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигига ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига бир неча марта ёзма мурожаатлар қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда, 9 мингга яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилишаётган 110 та республика ва ҳудудий ташкилотлари мавжуд бўлган Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимида коррупцияга қарши Комплаенс назорат бўлими фаолиятини тиклаш таклиф этилади.

2024 йилда Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш йўналишида шу кунга қадар ўтказиб келинаётган профилактик тадбирларни кучайтириш, Агентликнинг коррупцияга қарши курашиш борасида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларини амалиётда тўла жорий этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш, семинарлар ташкил этиш, ходимларни соҳага оид ўқув курсларида иштирокини таъминлаш ва бошқа шу каби тадбирлар режалаштирилган.

(Кейинги ҳисобот даврида ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг алоҳида кўрсаткичларни марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалар кесимида яхшилаш имконини берувчи асосий тадбирлар кўрсатилди.)

Бош мутахассис



У.Рўзиев